

**“Gidromaxsusqurilish” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилиши**

БАЁННОМАСИ

18.09.2020 йил

Тошкент шаҳри

Йиғилиш Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 22-уй, “Gidromaxsusqurilish” АЖнинг маъмурий биносида ўтказилди, йиғилиш соат 11:00да бошланди.

Йиғилиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, “Gidromaxsusqurilish” АЖ Уставига ва Кузатув кенгашининг 27.08.2020 йилдаги 7-сон мажлис қарорига асосан чақирилди.

Қатнашдилар:

Кузатув кенгаши раиси: Б.Т.Амирсайдов

Кузатув кенгаши аъзолари: Б.О.Олланазаров
С.Х.Исматов
Б.Э.Джураев
Г.Б.Ибрагимова

Таклиф этилганлар:

К. Фаттилаев-“Gidromaxsusqurilish” АЖ
Бош директори
Р.Остонов-Иқтисод ва молия
бўйича директор
Т.Павлухина-бош хисобчи
Т.Расулов- қимматли қоғозлар бўйича
мутахассиси -йиғилиш котиби

Акциядорлар мазкур навбатдан ташқари умумий йиғилишни бўлиб ўтиши тўғрисида Кузатув кенгашининг қарорига асосан қонунчиликда белгиланган тартибда, вақтда ва муддатда хабардор қилинган (электрон манзили бўлган акциядорларга хабарномалар электрон шаклда ҳам юборилди). Шунингдек, йиғилиш бўлиб ўтиши тўғрисида хабарнома қонунчиликда белгиланган муддатда Жамиятнинг расмий веб-сайтида (www.gidross.uz) ва Корпоратив ахборотлар ягона порталида (www.openifo.uz) жойлаштирилган.

Йиғилиш раиси этиб, “Gidromaxsusqurilish” АЖ Кузатув кенгаши раиси Б. Амирсайдов ва йиғилиш котиби этиб Т. Расуловни тайинлаш масаласи овозга қўйилди ва акциядорлар томонидан бир овоздан маъқулланди.

Йиғилиш раиси этиб, “Gidromaxsusqurilish” АЖ Кузатув кенгаши раиси Б. Амирсайдов ва котиби этиб Т. Расулов сайланди.

Йиғилиш санок комиссиясининг маълумотиغا кўра жамият акциядорларининг 14.09.2020 йил ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан “Gidromaxsusqurilish” АЖ томонидан жами 1 354 800 дона, шундан 1 320 800 дона оддий ва 34 000 имтиёзли акциялар чиқарилган.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар сони 180та ва уларга тегишли бўлган овоз берувчи акцияларнинг сони 1 320 800 донани ташкил этди.

Йиғилишда 1 287 660 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 2та акциядорлар, жумладан “Ўзбекгидроэнерго” АЖ номидан 17.09.2020 йилдаги 01-32/2572-сонли ишончномага асосан унинг вакили О.Хамраев (1 287 060 дона акция) ва 1 та жисмоний шахс (600 дона акция) қатнашди.

Йиғилиш кворуми 97,49 фоизни ташкил этди. Шунинг билан йиғилиш қарор қабул қилишга ваколатли.

ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. “Gidromaxsusqurilish” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Gidromaxsusqurilish”АЖ Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги ва “Gidromaxsusqurilish”АЖ Бошқарув ва назорат органлари аъзоларини моддий мукофотлаш (рағбатлантириш) механизмларини такомиллаштириш тўғрисида”ги Низомларини янги тахрирда тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг ташкилий тузулмаси (структураси)га ўзгартириш киритиш ва янги тахрирда тасдиқлаш.

Йиғилиш кун тартибини тасдиқлаш овозга қўйилди ва бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масалалар бўйича Жамият Кузатув кенгаши аъзоси Б.Исматов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига (кейинги ўринда матнда - Қонун) ва “Gidromaxsusqurilish” АЖ (кейинги ўринда матнда - Жамият) ички корпоратив ҳужжатларига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун санок комиссиясини тасдиқлаш лозимлигини айтиб ўтди.

Жамият Кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси аъзолиги учун жамият ходимларидан 3 кишини, Е.Ўебаева, С. Соттиқулов ва Н. Шерматова номзодлари таклиф этилди.

Жамият акциядорларини навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг кун тартиби билан таништирди ва йиғилиш регламенти, раёсатини қуйидагича тасдиқлашни таклиф қилди:

Президиум таркибига:

1. Б. Амирсаидов-Жамият Кузатув кенгаши раиси, йиғилиш раиси;
2. Р. Остонов-Жамият бош директор ўринбосари;
3. Т. Расулов-Йиғилиш котиби, Жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси.

Йиғилишни ўтказиш тартиби қуйидагича:

Масалаларни муҳокама қилиш йиғилиш кун тартибига асосан амалга оширилади.

Кун тартибидаги масаллар бўйича маърузаларни (маълумотларни) тинглаш-10 минутгача;

Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси – 5 минутгача;

Кун тартибидаги масалалар бўйича савол ва жавоблар -5 минутгача;

Овоз бериш хар бир масала якуни бўйича бюллетенларни тўлдириш орқали амалга оширилади.

Муҳокамадан сўнг ушбу таклифлар овозга қўйилди:

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдорлар”- 1 287 660та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар” йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзоси Г.Ибрагимова сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига қуйидагиларни маълум қилди.

Жамиятнинг йирик акциядори 95 фоиз акция эгаси бўлган “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан 2020 йил 08 июлда “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш ва унинг замонавий услубларини жорий этиш тўғрисида”ги 96-сонли буйруғи чиқарилган бўлиб, мазкур буйруқ билан тизимдаги акциядорлик жамиятларининг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги янги намунавий Низоми тасдиқланган.

Шунингдек, мазкур буйруқда тизимдаги акциядорлик жамиятлари Кузатув кенгаши раисларига қисқа муддатларда акциядорлик жамиятининг амалдаги “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомларини ва бошқа тегишли бўлган Низомларни мазкур буйруқнинг 1-иловаси билан тасдиқланган намунавий Низомга белгиланган тартибда мослаштириш масалаларини кўриш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5723-сон Фармонида асосан 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб иш ҳақининг энг кам миқдори ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори белгиланган бўлиб, бироқ “Gidromaxsusqurilish”АЖ Бошқарув ва назорат органлари аъзоларини моддий мукофотлаш (рағбатлантириш) механизмларини такомиллаштириш тўғрисида”ги Низомида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ўрнига базавий ҳисоблаш миқдори белгиланган бўлиб ўзгартириш киритиш ва қайта ҳисоблаб чиқилиши лозим бўлади.

Жамият Кузатув кенгашининг 2020 йил 27 августдаги йиғилишида Жамият ижроия органи томонидан ишлаб чиқилган янги тахрирдаги “Gidromaxsusqurilish” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Gidromaxsusqurilish”АЖ Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги ва “Gidromaxsusqurilish”АЖ Бошқарув ва назорат органлари аъзоларини моддий мукофотлаш (рағбатлантириш) механизмларини такомиллаштириш тўғрисида”ги Низомлари кўриб чиқилиб мақулланган ва тасдиқлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинганлигини маълум қилиб, мазкур Низомлар билан акциядорларни таништирди.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоси Б.Джураев янги тахрирда ишлаб чиқилган мазкур Низомларни тасдиқлашни таклиф этди.

Муҳокамадан сўнг ушбу таклиф овозга қўйилди:

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдорлар”- 1 287 660та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзоси Б.Олланазоров сўзга чиқиб, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан 2020 йил 22 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги 291-сон қарори билан тасдиқланган “Хавфли ишлаб чиқариш объектида саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан ишлаб чиқариш назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи корхоналарда ишлаб чиқариш назоратини амалга оширувчи махсус ходим бўлиши ёки корхона раҳбарининг ўринбосарларидан бирига юкланиши мукинлиги белгиланганлиги, шунга кўра корхонада ишлаб чиқариш назорати бўйича штат бирлигини жорий қилиш ва ташкилий тузилмага ўзгартириш киритиш масаласини Жамиятнинг тегишли бошқарув органларида кўриб чиқиш тўғрисида 05-32/2006-сонли хати келиб тушганлигини маълум қилди.

Шунингдек, Кузатув кенгашига Жамият ижроия органининг иш хажмини ошганлиги сабабли корхонада янги иш ўринларини яратиш ва малакали мутахассисларни жалб қилиш мақсадида Жамият тузулмаси (структураси)га ўзгартириш киритиб, янги тахрирда тасдиқлаш тўғрисида 2020 йил 4 августдаги 01/02-01-586-сонли мурожаати келиб тушган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига ва Жамият уставига асосан жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига кириши белгиланган.

Жамият Кузатув кенгашининг 2020 йил 27 августдаги йиғилишида жамият ижроия органи томонидан ишлаб чиқилган Жамиятнинг янги тахрирдаги тузилмаси (структураси) лойиҳаси кўриб чиқилиб маъқулланган ва тасдиқлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши муҳокамасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Юқоридагиларга асосан, жамиятнинг ташкилий тузулмаси (структурасини) янги тахрирда тасдиқлаш таклифи киритилди.

Муҳокамадан сўнг ушбу таклиф овозга қўйилди:

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдорлар”- 1 287 660та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилиб, йиғилиш қатнашчиларидан қўшимча ва таклифлар тушмаганлиги сабабли, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масалалар бўйича:

Санок комиссияси аъзолиги қуйидаги шахслар тасдиқлансин:

Е.Ўебаева, С. Соттиқулов ва Н. Шерматова.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламенти, раёсати қуйидагича тасдиқлансин:

Президиум таркибига:

Б. Амирсайдов-Жамият Кузатув кенгаши раиси, йиғилиш раиси;

Р. Остонов-Жамият бош директор ўринбосари;

Т. Расулов-Йиғилиш котиби, Жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси.

Йиғилишни ўтказиш тартиби қуйидагича:

Масалаларни муҳокама қилиш йиғилиш кун тартибига асосан амалга оширилади.

Кун тартибидаги масаллар бўйича маърузаларни (маълумотларни) тинглаш-10 минутгача;

Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси – 5 минутгача;

Кун тартибидаги масалалар бўйича савол ва жавоблар -5 минутгача;

Овоз бериш ҳар бир масала якуни бўйича бюллетенларни тўлдириш орқали амалга оширилади.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:

“Gidromaxsusqurilish” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Gidromaxsusqurilish”АЖ Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги, “Gidromaxsusqurilish”АЖ бошқарув ва назорат органлари аъзоларини моддий мукофотлаш (рағбатлантириш) механизмларини такомиллаштириш тўғрисида”ги Низомлари янги тахрирда тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:

Жамиятнинг ташкилий тузулмаси (структураси) янги тахрирда тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси мажлис иштирокчиларига миннатдорчилик билдирди ҳамда кун тартибига киритилган масалалар барчаси муҳокама қилинганлигини ва мажлисни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилиш баённи икки нусхада тузилди.

Йиғилиш раиси:

Б. Амирсайдов


Йиғилиш котиби:

Т. Расулов

Баённома 2020 йил “24” сентябрда имзоланди.

Приложение №1
к протоколу годового
общего собрания акционеров
АО "ГИДРОМАКСИ/SOURILISH"
от 29.08.2020 г.

СТРУКТУРА ИСПОЛНИТЕЛЬНОГО АППАРАТА АКЦИОНЕРНОГО ОБЩЕСТВА «ГИДРОМАКСИ/SOURILISH»



Предельная численность персонала – 37 единицы.
Количество начальников строительных участков может меняться при изменении количества объектов или объемов СМР.